
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИСИ МАДРАХИМОВ ТОЖИБОЙ ОТА ХОНАДОНИГА ТАШРИФ

Данғара туманида 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши фахрийси истиқомат қилмоқда. Шулардан бири Данғара тумани Катта Турк МФЙда яшаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мадрахимов Тожибой ота . 9 май умумхалқ байрами муносабати билан уларнинг хонадонида ташкил этилган тадбирда туман ҳокими, секторлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, маҳалладошлари, фахрийларнинг қавму-қариндошлари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тожибой отага Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 9 май Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан йўллаган шахсий табрикномасини ўқиб эшилтириди. Уруш қаҳрамони Тожибой отага пул мукофотлари эсадалик совғалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-05-06 08:36:51